

**TO`SB**

**2- TAQDIMOT**

**MAVZU:**

**O`ZBEKISTONNING GEOGRAFIK O`RNI,  
YERLARINING GEOMORFOLOGIK  
TUZILISHI, RELEFI, VA IQLIM**

**SHAROITLARI.**

## **REJA:**

- 1. Географик ўрни;**
- 2. Геоморфологияси;**
- 3. Иқлим шароитлари;**


# Географик ўрни

- Ўзбекистон (Ўзбекистон Республикаси) ер куррасининг шимолий яримшарида, денгиз ва океанлардан узокда Евросиё материгининг ўрта қисмида жойлашган.
- Узбекистон Марказий Осиёning ўрта қисмида жойлаштан. Шарқ ва шимолий-шаркда Кирғизистон, шимол ва шимолий-ғарбда Қозоғистон Республикалари, жануб ва жанубий-шаркда Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбда Туркманистон, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадош.

■ Узбекистоннинг энг шимолий чекка нуқтаси шимолий-шарқда — Устюрт платосида Орол денизининг ғарбий соҳилида ( $45^{\circ}36'$  шимолий кенглика), энг жанубий нуқтаси - Сурхондарё вилояти Термиз шахри ёнида ( $37^{\circ}11'$  шимолий кенглика), ғарбий нуқтаси - Устюрт платосида ( $56^{\circ}$  шарқий узунликда), шарқий нуқтаси - Фарғона водийсипинг шарқида, Киргизистон Республикаси билан чегара жойда ( $37^{\circ} 10'$  шарқий узунлик). Шимолий ва жанубий чекка нуқталари ораси — 925 км, ғарбдан шарққа — 1400 км. Ўзбекистон Республикасининг майд. **44.73** млн га.

# O`zbekistonning tabiiy kartasi





# O'zbekistonning tabiiy kartasi

# Геоморфологияси

Турон текислигининг Узбекистонга қарашли қисмида бир қанча орографик элементлар бор: шим - гарбий чеккасида Устюрт платоси, Орол дengизидан жанубда Амударё дельтасининг аллювиал текислиги, ундан жан-ғарбда Кизилқум чўли жойлашган. Устюрт платосининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган қисмининг ўртача бал. 120 — 180 м, энг баланд жойи 290 м (Корабовур кирла-ри).



Хисор тизмасининг тог олди қисми

# Геоморфологияси

Платонинг жанубда бир  
канча берк (оқмас) ҳавзалар:  
Борсакелмас, Асака-овлои  
(баландлиги 30 — 60 м)  
ботиқлари, Са-риқамиш  
сойлиги бор. Сариқамиш  
сойлигининг Узбекистонга  
қарашли шимолий-ғарбий  
қисми туби денгиз сатҳидан  
10 м паст.




# **Геоморфологияси**

**Оролбўйи  
пасттекслигининг  
анчагина қисмини Амударё  
дельтаси ва унга ёндош  
пасттексликлар  
эгаллаган, уларни  
Амударёning қуриб қолган  
ўзанлари қисимларга  
ажратиб туради. Айrim  
кичик тепаликлар мавжуд.**



# **Geologik xarita**



## Геоморфологияси

Оролбўйи пасттекислигидан жан-шарқда асосий кисми платодаи иборат Кизилқум чўли (умумий майдони қарийб 300 минг км<sup>2</sup>) жойлашган. Кизилқумнинг шим-ғарбий чеккасида кенглик бўилаб Бўкантов қолдиқ тоғлари (энг баланд жойи — Ирлир тоғи, 764 м) чўзилган. Ундан жан да Мингбулок ботиғи жойлашган, ботиқнинг туби Ўзбекистонда ва умуман Кизилқумда энг паст нуқтадир (денгиз сатҳидан 12 м паст).

# Геоморфологияси

Бўқантовдан жануби-шарқда Томдитов масиви (энг баланд жойи — Оқтов, 922 м), ундан жанубда Мурунтов кряжи бор. Қизилқумнинг жанби-шарқий чеккасида кенглик бўилаб Қулжуқтов кряжи жойлашган (энг баланд жойи 785 м). Қулжуқтовнинг тепалардан иборат шарқий тармоқларини 2 та йирик берк ҳавза: шимолда Қарақота ва жанубда Оёқоғитма ажратиб туради.

## Иқлими

■ Ўзбекистон ўзига хос — ёғин кам, курук, иссиқ, континентал иқлимга эга. Мамлакатнинг катта қисми мўътадил иқлим минтақасига, жанубда чекка қисмигина субтропик минтақага мансуб. Ўзбекистон ҳудудини 3 иқлим зonasига ажратиш мумкин: чўл ва дашт зонаси, тоғ олди зонаси ва тоғ зонаси.

## Иқлими

Чўл ва дашт зонаси Ўзбекистоннинг жами текисликлари — Устюрт платоси, Қизилкум, Карши, Далварзин ва Мирзачўл чўлларини, тоғ олди зонаси Тяньшан ва Ҳисор-Олай тоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 300—400 м дан 600—1000 м гача бўлган баландликларини, тоғ зонаси денгиз сатҳидан 600—1000 м дан юкори бўлган худудларни ўз ичига олади.



## **Иқлими**

**Иқлим З асосий омил: қуёш радиацияси миқдори, атмосфера циркуляцияси хусусияти ва тўшама сирт (рельеф) билан белгиланади.**

**Қуёш радиатсияси қиймати ёзда  $800\text{-}1000 \text{ Мж}/\text{м}^2$   $239000 \text{ кал}/\text{м}^2\cdot\text{ч}$ . Ҳаво температураси.**

**Ўзбекистоннинг текислик қисмида ўртacha кўп йиллик ҳаво температурасининг изочизиклари деярли зонал жойлашган. Ўзбекистонда қишийла совук келади, ёз эса иссик ва узок давом этади.**

## **Иқлими**

Энг совук ой — январнинг ўртacha температураси Устюртда  $-9^{\circ}$ , Қизилқум чўлининг жанубий қисмида  $0^{\circ}$ , Ўзбекистоннинг чекка жанубида эса  $-2^{\circ} -3^{\circ}$  ни ташкил қиласди. Тоғларда ҳаво температураси, асосан, жойнинг денгиз сатҳидан баландлигига боғлиқ.

Ёз ойларида текисликларда ҳаво температураси кам ўзгаради: июль ойининг (энг иссиқ ой) ўртacha температураси Устюртда  $26 - 27^{\circ}$  дан Термизда  $30^{\circ}$  гача ўзгаради. Тоғ олди зоналарида ҳаво ёз ойларида унча каттиқ исиб кетмайди. Тоғларда эса ҳар 100 м юқорига кутарилган сари харорат уртacha.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**